


**Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобиллар бозори кундан-кунга қизиб бормоқда. Машина жаҳоннинг энг юксак андозаларига мос бўлгач, харидори кўп бўлади-да!**

*Мустақиллик мевалари*

# «ЖИГУЛИ»СИНИ СОТИБ «ТИКО» ОЛАЁТГАНЛАР



Айтишларича, бундан бир неча йиллар муқаддам япон автомобилсозлари жаҳон андозалари даражасида яратилган автомашиналарини Америка Қўшма Штатлари бозорига олиб келишганда, америкаликлар кўркам, жилвагар бу машиналарнинг нархини суриштириш у ёқда турсин, ҳатто уларга қиё ҳам боқишмаган экан. Бу ҳолатдан ёқасини ушлаб қолган япон автомобилсозлари «Нега бундай бўлаяпти? Бизнинг яратган машиналаримиз ўзларида яратилган автомобиллардан бир неча баробар арзон, қулай ва тежамкор-ку?!» деб бошлари қотиб қолган вақтда америкалик бир оддий автомобилчи кулиб туриб:

— Кечирасиз, сэр, бизнинг америкаликлар техник хизмат кўрсатиш кафолатлари бўлмаган автомобилларни умуман сотиб олишмайди, — деган экан.

— Менимча ҳам шундай, — дейди «Ўзавтотеххизмат» акционерлик жамиятининг автомобиллар сотувини ташкил этиш ва сотиш бўлими бошлиғи Комил Саъдуллаев. — Юртдошларимиз айнан «ЎзДЭУавто» автомобилларини исталган пайтда техник хизмат кўрсатиш ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш имкониятлари мавжуд бўлгани учун ҳам «Тико», «Дамас», «Нексия» русумли автомобилларни ҳеч иккиланмай харид қилишмоқда. Айни чоғда, биз ҳам автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, уларни зарур эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш каби вазифаларни зиммамизга олаяпмиз. Кўз тегмасин, автомобилларимизнинг шиналари ерга тегмай, харидорига етиб бормоқда. Буюртма устига буюртма тушиб, биз ҳам ўз навбатида «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидаги мутасаддиларни шошириб қўйяпмиз.

**— Айтинг-чи, автомобиль ишқибозлари кўпроқ қайси турларидан сотиб олишмоқда? Шу кунгача қанча автомобиль сотилди?**

— Тўғрисини айтганда, харидорлар, яъни тошкентликлар «Тико» ва «Дамас»дан кўра, кўпроқ «Нексия»дан сотиб олишмоқда. Корхона ва ташкилотлар ҳам айнан шу русумли машиналарга буюртма беришмоқда. Ҳозирда 60 та ана шундай буюртма бор. Энди энг янги маълумот, 12 сентябргача корхонамизга келтирилган (Тошкент бўйича) 537 та автомобилдан 452 таси сотиб бўлинган. Шулардан 95 таси «Тико», 121 таси «Дамас», 236 таси эса, «Нексия»дир. «Тико»нинг уч хил тури, «Дамас»нинг тўрт хил тури, «Нексия»нинг тўрт хил тури мавжуд бўлиб, бу ҳам ўз навбатида харидорнинг танлов имкониятини кенгайтиради. Албатта ҳар бир автомобиль бошқарувчисининг диди ва хоҳиши ўзига яраша бўлади.

**—«ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси автомобилларни сотиш режаси бўйича «Ўзавтотеххизмат» акционерлик жамияти тармоқларини кенгайтириш, кўпайтиришларига алоҳида эътибор бераётгандир?**

— Аҳолига қулай ва осон бўлсин деган ўйда шаҳарнинг турли чеккаларида шохобчаларимизни очиб бораяпмиз. Асосий корхонамиз шу ерда, Халқлар Дўстлиги шоҳкўчаси, 118-уйда, янаям аниқлик киритсак, «Тошкент» автовокзали ёнида жойлашган бўлса, шохобчаларимиз турли ерларда ташкил этилган. Кўпчилик қисми «Ўзбекбирлашув» ҳамда «Ўзбексавдо» концернлари кўмагида вужудга келган. «Феруза» товар фирмаси 2/4 Қорақамишда (телефон: 29-87-37); «Шарқ» хўжалик ҳисобидаги жамоа корхонаси Зангиота тумани яқинидаги Ҳамроқул Турсунқулов кўчаси, 1-уйда (телефон: 72-30-97); «Ғаззол» хусусий фирмаси Собир Раҳимов тумани Қамарнисо кўчаси, 28-уйда (телефон: 46-17-19); масъулияти чекланган «Кумуш» жамияти Беруний кўчаси, 88-уйда (телефон: 42-44-29); «Наимҳожи» хусусий фирмаси Генерал Узоқов кўчаси, 3-уйда (телефон: 49-33-23); «Турғунхўжа ҳожи Акбар» хусусий фирмаси Буюк Ипак йўли, 299-уйда (телефон: 65-92-41) жойлашган. Булардан ташқари яқин кунларда янги ана шундай автомобиль сотиш ва таъмирлаш шохобчаларини ишга туширамиз. Булар «Марказ-1»А» даги 1 «Б» уйда жойлашган масъулияти чекланган «Ал-Мутаб» жамияти (телефон: 33-82-73), «Фарҳод» ярмаркасида жойлашган «Ёвмутдин» жамоа корхонаси (76-67-26); Ҳамза тумани Абдуллаев кўчаси, 60-уйда жойлашган «Абдурашид ва ўғиллари» автосервиси» хусусий фирмаси (телефон: 68-49-74)дир.

**— Харидорларга у ерда қандай шароитлар яратилган?**

— Шохобчаларнинг ўзида барча ҳужжатлар расмийлаштирилади. «Асакабанк» ҳамда ДАН вакили ҳамда бизнинг иштирокимизда, жами 35 дақиқада харидор автомобилини ҳайдаб чиқиб кетади. Бундай қулайликлардан ҳам аҳолимиз хурсанд.

**— Шахсан ўзингиз Асака автомобилларининг келажагига қандай баҳо берасиз?**

— Айтсам балки ишонмассиз. Бугунги кунда ўзининг қадрдон тойчоғига айланган «Жигули»сини сотиб, ўрнига «Тико» автомобилларини харид қилаётган фуқаролар бор. Сабаби, менимча оддий: «Тико», «Дамас», «Нексия»лар ўзимизники-да! Чин маънодаги ўз автомобилларимиздир. Ана шу кўркам, бири-биридан чиройли, мўъжаз автомобилларимизда халқимизнинг орзулари, ўй ва порлоқ эрталари акс этган. Шундай машинага кимнинг эга бўлгиси келмайди, дейсиз. Яна бир сири, ҳозирча нархлари ҳам унча қиммат эмас. Ҳозирги аҳвол эртани белгилайди, деганларидек, шахсан ўзим ҳам эртанги яхши кунларга катта умид боғлаб турибман. Менимча, бундан ҳам нурли кунлар бўлмаса керак.

Зоир ТУРСУНОВ.

*Ўзбекистон ва жаҳон*

# ХАЛҚАРО МАРКАЗ ОЧИЛСА...

**1995 йилдан буён Тошкент Давлат университети Европа иттифоқининг Темпус (ТАСИС) таълимий дастурларида иштирок этиб келмоқда. ТошДУ, Англия, Дания ва Франция тарихчиларининг «Тарих» деб номланган ҳамкорликдаги таълим лойиҳаси ушбу дастурлар доирасидаги биринчи лойиҳа эди.**

Шу йилдан эса ТошДУ Англиянинг Сандерленд, Испаниянинг Валенсия ва Саламанка университетлари билан ҳамкорликда Темпуснинг клиник (консультатив) психология ва аҳолининг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш тайёрлов лойиҳасида иштирок этмоқда. Ушбу лойиҳани тадбиқ этишдан асосий мақсад шуки, дастлаб махсус таълим дастури ишлаб чиқилиб, унинг доирасида реабилитация марказлари, суицид марказлари, госпиталлар, тиббиёт касалхоналарида ишлаш учун юқори малакали клиник психологлар тайёрланади. Янги тайёрланадиган клиник психологлар стресс ҳолатларининг олдини олиш, кардиоген ва онкологик хасталиклар билан оғриганларга руҳий кўмак бериш, ичкиликбоз ва гиёвандларга руҳий таъсир кўрсатиш муаммолари билан шуғулланадилар. Бундан ташқари ТошДУ психология кафедраси негизида аҳолига руҳий ёрдам кўрсатиш учун махсуслаштирилган руҳий марказни ташкил этиш ҳам мўлжалланмоқда.

Юқоридаги лойиҳа доирасида Сандерленд университети профессори, психолог-врач, «Эразмус» дастури ва Темпус лойиҳасининг мувофиқлаштирувчиси Питер Хоккинс, Валенсия университетининг психология кафедраси профессори, врач-психотерапевт Антонио Капофонос, Саламанка университети психология бўлими психотерапия доктори, профессор Хосе Гонгоралар Тошкент Давлат университетида бир ҳафта бўлиб, муҳим ташкилий ишларни амалга оширишди.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий ассоциациясида Европа ҳамкорлик жамиятининг вакиллари П. Хоккинс, А. Капофонос, Х. Гонгоралар иштирокида ассоциация қошидаги халқаро тиббиёт шўъбасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Экосан», «Соғлом авлод учун» жамғармалари вакиллари, халқаро тиббиёт шўъбаси фаоллари, шифокор олимлар иштирок этишди.

Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари, халқаро тиббиёт шўъбаси раиси Равшан Султонов очар экан, хорижлик меҳмонларга республикамизда соғлиқни сақлаш борасида олиб борилаётган ишлар, тиббиёт ходимларининг бу борада эришаётган ютуқлари ва ечимини кутаётган айрим муаммолар тўғрисида сўзлаб берди.

Профессорлар П. Хоккинс, А. Капофонослар эса Ўзбекистонда келгусида ҳамкорликда амалга оширилиши мўлжалланаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтишди.

Сўнг хорижлик мутахассислар ва Ўзбекистонда онкология, психотерапия масалалари билан шуғулланаётган профессорлар, олимлар иштирокида қизиқарли давра суҳбати ўтказилди. Унда Ўзбекистонда руҳият масалалари билан шуғулланувчи халқаро марказ очиш лозимлиги тўғрисида фикрлар билдирилди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

*1996 йил — Амир Темур йили*

# ЯККАҚЎЛ ТОШОТАРЛАР ЁКИ ПАЛАХМОНЧИЛАР



**Инсон пайдо бўлибдики, бир-бири билан учрашганда (асосан балоғатга етган эркаклар) қўл бериб саломлашади. Бунинг маъноси қўйнимда фитна тоши йўқ, дилим очиқ, дегани бўлиб, кўнгил яқинлигини исботлаш рамзидир.**

Кишилик жамияти дастлаб тош даврларини (палеолит, неолит) бошидан кечирган. Бу пайтларда тош ҳаёт-мамот, меҳнат қуроли ва душмандан ҳимояланишда асосий дастак ҳисобланган. Тош давридан сўнг темир, мис (жез), бронза даврлари ҳукм сурган. Энди инсоният улардан янги асбоб-ускуна, қурол-аслаҳа ясайди. Тошнинг зарурияtлиги бироз сусаяди, шундай бўлса-да у халқ хўжалигининг айрим соҳаларида ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ўрта асрга келиб тош ҳарбий мақсадларда кенг ўрин тутган. Хусусан Сирдарё вилояти Ховос туманида Баланд-Чағир қишлоғи бор. Унинг маъносини аскар қоровуллик қилиши учун жиҳозланган баландлик (супа) деб тушуниш керак.

Чингизхон армиясида жанговар — тош ирғитувчи қуроллар ишлатилган, қўл билан улоқтириладиган мосламалардан фойдаланилгани тарихдан маълум. Худди шундай соҳибқирон Амир Темур олиб борган жангларда ҳам тошотар мерганлар бўлинмалари қатнашган. Улар ўз маҳоратини ошириш мақсадида махсус мактабларда шуғулланганлар. Тошотарларнинг чап қўллари елкага яқин жойидан кесиб ташланган. Улар ўнг қўл билан 20-30 метр масофадаги нишонга аниқ урганлар. Жанг майдони атрофидаги сершох дарахтларга 2-3 нафар тошотар жойлашган, хавфсизлик камари дарахтга маҳкамланган, елкасидаги халтада бир-икки пудли, кафтга яхши ўрнашадиган юмалоқ тошлар бўлган. Тушуниш мумкинки, бундай бўлинмаларда хизмат қилиш учун давлат томонидан жазога маҳкум этилганлар сафидан норғуллари танлаб олинган. Уларга жанг қилишга розилик (зиндон азобидан қутилиш мақсадида) билдирганлар деб қараш керак.

Яккақўл мерганларнинг кутилмаганда бошланган тошбўрони рақиб лашкарига талафотдан кўра аввало уларни талвасага солар, эсанкираш ҳолатини кучайтирарди. Рақиб қалъаси қамалда қолганда тунда истеҳком атрофидаги баланд дарахтларга мерганлар жойлаштирилар, тонг пайтидан бошлаб қалъа ичидаги муҳим иншоотларни, лашкарбошиларни нишонга олиб, уларни сафдан чиқарар эдилар. Мўлжални бехато уришда уларга тенг келадиган ҳарбийлар топилиши амри маҳол бўлган. Мерганлар қисмларда даҳшатли куч ҳисобланган. Уларнинг нигоҳидан отлиқлар ҳам четда қолмаган. Ирғитилган тошнинг зарби шу даражада кучли эдики, биринчи зарбадан от қулаган. Тунда ҳаракатдаги машъалаларни нишонга олганлар. Уларга дубулға, эгнига жубба (симтўр) берилган. Мерганларга тошўқни етказиб берадиган воситачилар хизмати ҳам алоҳида эътиборга эга эди.

Соҳибқирон лашкарида палахмончилар ғалабани қўлга киритишда салмоқли ҳисса қўшганлар. Палахмон 1—1,5 метр узунликдаги таёқ учига тош (асосан ясси тошлар) қистирилиб нишонга улоқтириладиган, мослама у қўлда ирғитилган тошўқларга қараганда катта куч талаб қилмайди. Унинг бошқа бир тури бир қулоч тасмадан иборат бўлиб, кўпинча юмшоқ тери ёки тўқилган қалин матодан тайёрланади. Тасманинг букилган қисмига тухум катталигидаги тош жойлаштирилади, ўқланган тасма бош узра катта тезликда айлантирилади ва тасманинг бир томони қўлдан бўшатилади, тош мўлжал томон катта тезликда учиб кетади.

Амир Темур Сивас (Туркия) қалъасини забт этишда пиёда, аравали, туяли 8000 тошотар аскарларни сафарбар қилиб, ғалабага эришган. Чунки тошлар, нафтандоз, учига ермой суртилган ёнувчи ўқ-ёйлар қалъага катта шикаст етказган. Шу жангда уммавийларнинг улкан масжиди ёниб тугаган. Улуғбек замонида ҳам ҳарбий мақсадлар учун замбараклар пайдо бўлган, лекин уларнинг ўқлари тошдан эди. Икки ўқ бир туяга юк бўларди. У халқ сайилларида томоша сифатида ҳам намойиш этилган. Бобур лашкаридаги замбарак ва туффак (милтиқ) ўқлари темирдан қуйилган эди.

Соҳибқирон яккақўл тошотарлар қўшинини тузишда маймунлар ҳаётидан андоза олган, десак хато бўлмайди. Бу жониворларнинг айрим турлари борки, улар ўз рақиби ёки душманига дуч келганда ундан ўзларини ҳимоя қилиш ёки унинг ихтиёридаги ўлжага эга бўлиш мақсадида зўр қийқириқ остида тошбўрон бошлайдилар. Йиртқич ҳамла қилса тош ёмғирини дарахт устига чиқиб давом эттирадилар.

Жанг авжига чиққан пайтда қўлга сиғадиган тошлар охирлаб қолганда маймунлар йирикроқ тошларни ҳам итқитишга мажбур бўлганлар, душман қияликда кўринганда биргалашиб катта ҳажмдаги харсангларни улар устига юмалатганлар. Бундай жанглар кўпинча маймунлар фойдасига ҳал бўлади. Шунинг учун бўлса керак, Амир Темур яккақўл қўшинларнинг тамғаси сифатида тош ирғитаётган маймун тимсолини қабул қилган.

Қўзибой ҚОРАБОЕВ,
геология-минералогия фанлари номзоди.

*Ибратли ҳикоятлар*

## ЎЗГАЛАРГА ЁРДАМ БЕРСАМ...

Имом Сажжод алайҳиссалом ҳеч кимга ошкора қилмасдан Ҳаж сафарига чиқишни лозим топдилар. Йўлда ҳамма одамлар қатори кимга ёрдам керак бўлса кўмак бериб, беморлар ҳолидан хабар олиб турдилар. Сафардагилардан бири ул зотни таниб қолди ва карвондагиларга мурожаат қилиб деди:

— Эй халойиқ! Бу киши кимлигини биласизми? — Билмаймиз! — дейишди улар.

— Бу киши имом Сажжод бўладилар!

Шу пайт бутун халойиқ ўрнидан турди. Имом Сажжоднинг қўлидан ўпиб дедилар:

— Ё бин Расулуллоҳ! Нега ўзингизни бизга танитмадингиз?

Ҳазрат дедилар:

— Бир маротаба бир қавм билан сафарга чиққан эдим. Улар менга кўп эҳтиром кўрсатишди. Мен рози бўлмадим, чунки ҳамма қатори одамман. Ҳаж сафарида қандай қийинчиликлар бўлса, бошдан кечиришим керак. Керак бўлса, ўзгаларга ёрдам қўлини чўзиш менинг ҳам вазифамдур. Кейинги гал сафарга чиққанда ҳеч кимга ўзни танитмасликка аҳд қилгандим.

## МУНОСИБ ҲАДЯ

Бир араб Имом Ҳусайн қошига келиб деди:

— Эй пайғамбар ўғли! Мен минг динор қарз бўлиб қолдим, уни топишга ожизман. Жоним хатарда. Ўзимга ўзим агар бирор кишининг илм борасидаги саволларига жавоб берсам мени тақдирлайдику дедим. Бу шаҳарда сиздан меҳрибонроқ кишини тополмадим. Ҳазрат дедилар:

— Эй аъробий! Ҳадя ҳам жавобга яраша бўлади. Агар битта саволимга жавоб берсанг, ҳадянинг тўртдан бири сеники. Агар иккита саволимга жавоб берсанг, ҳадянинг ярми сеники. Агар учта саволимга жавоб берсанг, қарзларингнинг ҳаммасини тўлайман. Бадавий араб деди:

— Ё бин Расулуллоҳ! Қандай бахтки, сиздай одам менга савол берса. Сиз илм ва комилликда буюк зотсиз. Сўнг Ҳазрат дедилар:

— Ҳамма амаллар ичида энг яхшиси қайси?

— Аллоҳга иймон келтириш. Яна сўрадилар:

— Ҳар қандай вазиятда қай йўл ила нажот топиш мумкин?

— Аллоҳга ихлос қилиб. — Яна сўрадилар:

— Одамнинг гўзаллиги нимада?

— Илм билан хушфеълликнинг бирга бўлишида. Яна сўрадилар:

— Агар бўлмаса-чи?

— Ёшлик чоғида молу давлатлик бўлган яхши.

— У ҳам бўлмаса-чи?

— Фақирликка сабр ва шукур қилган яхши.

— У ҳам бўлмаса-чи?

— У холда яшин уриб ёндиргани яхши, чунки ҳамма балодан фориғ бўлади. Ҳазрат Имом Ҳусайн кулдилар ва киссаларидаги минг динорни унинг олдиға қўйдилар. Бармоқларидаги узукни ҳам чиқариб арабга совға қилдилар. Сўнг дедилар:

— Пулни қарзингни тўлашга ишлат. Узукни эса сотиб, ўз эҳтиёжингга сарф қил.

Форсийдан Баҳриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.



*«Тошкимёқишлоқмаш» заводида 38 йилдан бери меҳнат қилаётган Виктор Плешаковни ҳамма танийди. Чунки у асбобсозлик цехида тажрибали чилангар бўлиб ишлайди.*

*Рашид Галиев олган сурат.*

*Илм масканларида*

# ЮҚОРИ ҲАРОРАТГА ЧИДАМЛИ

**Келажагимиз эгалари бўлган ёшлар тарбияси ва таълим тизими ҳукуматимиз диққат марказида турибди. Уларнинг етук мутахассис бўлиб етишишлари учун эса кўплаб олий даргоҳлар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан бири Тошкент Давлат университети қошидаги амалий физика илмий-текшириш институтидир.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли физика соҳасидаги илмий текшириш институтлари кўп. Лекин улар ўқитиш тизимидан йироқ бўлиб, алоҳида иш олиб борадилар. Биз сўз юритаётган институт эса бевосита университетнинг физика факультети дарс жараёнлари билан боғлиқ. Университет талабаларининг илмга бўлган чанқоқликларини ўрганиш, уларни келгусида амалиётга йўналтириш илмий-тадқиқот институтининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Бу ерда тўрт йўналишда 12 та тажрибахона бўлиб, улардан лазер материалшунослиги тажрибахонаси эришаётган илмий натижалар ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Тажрибахона раҳбари Мэлс Бедилов билан мулоқот қилганимизда тажрибахонада эришилаётган натижалардан ташқари ҳозир катта қувватга эга бўлган лазер нурларининг моддаларга таъсири, уларнинг бузилиши, емирилиши, плазма ҳосил бўлиш жараёнлари муаммолари устида изланиш давом этаётгани маълум бўлди. Бу муаммоларнинг ечими эса амалиётда катта қувватга (юқори ҳароратга) чидамли материаллар яратиш, борларининг сифатини яхшилаб янгилаш, юқори интенсивликка эга бўлган кўп зарядли ионларни ҳосил қилиш ва халқ хўжалигига тадбиқ қилишга олиб келади.

Тажрибахонада ҳозирги замон талабига жавоб берадиган, юқори қувват бера оладиган қурилмалар, нурнинг қаттиқ жисм билан ўзаро таъсирида ҳосил бўладиган физик жараёнларни ўрганадиган мос-петрометрик, спетрескопик, корпускуляр заррачаларни қабул қиладиган ва ўрганадиган ускуналардан фойдаланиляпти. Изланишларнинг сўнгги самараларидан бири шундайки, юқори қувватга эга бўлган лазер нурлари ўта ўтказувчанликка эга бўлган материал билан ўзаро таъсирида тўрт элементли лазер плазмаси ҳосил бўлади. Ундаги турли зарядларга ва энергияга эга бўлган 1 элементли плазма ионларининг ҳам энергетик, ҳам заряд тақсимоти, уларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари тубдан фарқ қилиши аниқланди. Бу эса лазер нурларининг қаттиқ жисмга тушиш бурчаги ионлар ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эгалигини тасдиқлади.

Олинган натижалар шуни кўрсатадики, қийин ўрганиладиган кўп элементли материаллар таркибини ўрганиб ҳароратга чидамли материаллар яратилгани боис тезлатиш физикаси ва техникаси учун бўлган янги лазер қурилмалари, оптик элементлар ва бошқарув термоядроэлементларини яратишда муҳим омил бўлмоқда. Ўта мураккаб тажрибалар олиб бораётган ёш олимлар Ражаб Ҳайдаров, Мирқобил Собитов, Икром Давлетовларнинг ишларидан ҳам юқори натижалар кутиляпти. Улар ўз илмий мақолаларини турли чет эл журналларида чоп этмоқдалар.

Фансиз техника, техникасиз саноат, саноатсиз турмуш тарзи ривожланмайди. Тараққиёт фан билан узвий боғлиқ бўлгач, бу борада эришилаётган ҳар бир гўё арзимасдек туюлган янгилик ҳам кейингиларини тўлдириб боради.

Фарида ТОЖИБОЕВА.

*Мозийга қайтиб...*

# «ИҚТИДОРИНИ КЎЗИДАН БИЛДИМ»

**Маълумки, Мир Алишер Навоий ўз даврининг барча олиму фузало, адибу шуаросини яхши билар, уларнинг ижодларидан хабардор бўлиб борар, истеъдодларнинг юзага чиқишида кўмаклашар эди.**

Замона зайли билан шу даврда ўсиб камолга етган ажойиб шоир, айниқса муаммочилик (байт ичига бирор исм ёхуд мазмунни беркитиб кетиш) илмига моҳир бўлган Зайниддин Восифий ҳам улуғ шоир билан учрашиш, у билан суҳбатлашиш шарафига муяссар бўлади. Буёғини энди Восифийнинг ўзидан эшитинг:

«Бу фақирнинг мавлоно Соҳибдорога она томонидан қариндоши бўларди. Бир куни отам билан бу кишининг уйига бордик. Камол аҳлию фазилат арбобларидан анча киши бор экан. Бу фақирнинг отасига хитоб қилиб дедилар: кўп муддатдан бери эшитаманки, ўғлингиз мақбул толиби илм, хушхон ҳофиз ва паҳлавон шоир экан. ҳар қандай номи айтилмай ўқилган мушкул муаммони ечаркан, деган шов-шув юради, деб бир муаммо ўқидилар, мен топдим.

Биз уйимизга қайтиб кетдик. Бироз фурсат ўтгач, мавлоно Соҳибдоронинг хабарчиси келиб, «хожам сизни сўрамоқдалар», деди. Биз етиб боргач мавлоно деди:

— Амир Алишер ҳузурларига борган эдик. Мирнинг одати шуки, ҳар куни мени чақириб, бугун шаҳарда бўлиб ўтган ажойибу ғаройиб ҳодисалардан нени кўрдингиз ва нима гаплар эшитдингиз, деб сўрайдилар. Мен жавоб бердим: «Бир кишини учратдим. Ўзи 16 ёки 17 ёшда. Номи айтилмай ўқилган ҳар қандай мушкул муаммони топади. Толиби илмликда, ҳофизу шоирликда иқтидори бор». Мир таажжуб билан: «Сен уни имтиҳон қилдингми? — дедилар. Мен: «Бир мушкул муаммони номини айтмай ўқиган эдим, ечди», — дедим. Ҳазрати Мир менга: «У кишини нега олиб келмадинг?» — деб эътироз билдирдилар. Мен ўз гапларимдан пушаймон бўлдим. Чунки Мирнинг суҳбати ҳайратли ва даҳшатингиздир. Масалан, бирор мажлисда бирор фозилнинг номини сўрасалару айтиб беролмасангиз, койийдилар, мабодо бир муаммо ўқилсаю тополмасанг, шарманда ва хижолат бўлишингизга сабаб бўлади. Энди ҳозирлигингизни кўриб, эрта эртароқ бу ерга келиб турингки, ҳазрати Мир сиз билан кўришмоқ иштиёқидалар».

Кечқурун уйга қайтдиму, ажойиб кайфият мени чулғаб олди. Илон чаққан кишидек у ёқдан бу ёққа ағанаб, ухлаёлмадим. Фақирнинг отаси изтиробимдан воқиф эдилар:

**Эй, жони падар, чи ҳол дори,**
**Аз рўйи чи дард бекарори?**

(Ҳа, жоним ўғлим, бедорсан, не дард ила сен бекарорсан?).

Мен у кишига: «Э ота! Нимасини сўрайсиз. Эртага Мир Алишер мажлисига боришим лозим. Холим не кечарини билмайман», — дедим. Отам кўз ёши қилиб, дедилар: «Эй жоним ўғлим, сен бир инсон суҳбатидан бу қадар қўрқувдасан. Вой бизнинг жонимизгаки, маҳшар куни ўз қилмишларимиз дафтарини қўлимизга беришади. Ҳазрати раббил-оламиннинг ҳисоб бергил деган хитоби келади. Сирларнинг муаммосини изҳор қилгин, деб буюрадилар...».

Алқисса, эрта билан мавлоно Соҳибдоро уйига етиб келдим. Мендан бошқа яна уч толиби илм бор экан. Мавлоно Соҳибдоро менга: «Вақтида келдинг. Бу уч ёшни ҳам Мирнинг ҳузурларида таъриф қилган эдим», дедилар. Олий мажлисга кириб бордик. Мажлис аҳли ва ҳазрати Мир биз томон қарадилар, фақирга ишора қилиб: «Номини айтмай ўқилган муаммони еча оладиган дўстимиз шу кишими?» — дедилар. Мавлоно Соҳибдоро: «Балли, ўша махдум», — деб жавоб бердилар. Мавлоно Муҳаммад Бадахший суҳбатга аралашдилар: «Махдумлар, худовадигоро муаммо ечишда Сиздан ўтадигани йўқ-ку?..». Мир дедилар: «Мен унинг муаммо ечишга иқтидорини кўзидан билдим. Зеро унинг фикрлари кўзларидан зоҳир бўлиб турибди».

Буюк даҳо буюк истеъдодни ана шундай илғаган экан. Биз ўтган буюк аждодларга Оллоҳдан раҳмат, Фосифийнинг ушбу нақл битилган «Бадоъе-ул-вақоеъ» асарини ўзбек тилига ўгирган таржимон Наим Норқуловга марҳамат тилаб ҳикоямизни якунлаймиз.

# БЕҲЗОДНИНГ МИР АЛИШЕР СУРАТИНИ ЧИЗГАНИ

**Зайниддин Восифий ҳикоя қилади: Устод Беҳзод — етти иқлим мусаввирлари унинг қошида таслим бошларини ҳам қилардилар — вақтики улуғ амир Алишернинг суратини чизиб, унинг олий мартабали мажлисига олиб келди.**

Суратда қуйидаги манзара тасвирланган эди: Гуногун дарахтлар билан қопланган ораста боғ. Дарахт шохларида ранг-баранг товланиб турувчи хушсурат қушлар. Ариқларда сувлар равон оқиб турибди, гуллар очилган. Боғ ўртасида Мир Алишер бир ҳассани ушлаган ҳолда турибдилар. Олдиларида зар тўла товоқлар сочилиш учун териб қўйилган.

Ҳазрати Мир Алишер бу суратни узоқ мушоҳада ва мулоҳаза қилиб кўргач завқу шавқи қайнаб-тошиб: «Алаҳсан-улаҳсан!» («Гўзал, жуда соз!») — деб юборди. Кейин мажлисга ҳозир бўлганларга юзланиб: «Азизлар, бу шарафларга лойиқ саҳифа таърифу тавсифда хотирангизга нималар келур?» — деб сўради.

Мирнинг устоди ва Хуросоннинг эътиборли кишиларидан бўлган мавлоно Фасиҳиддин суратга қараб: «Махдумлар, мен бу кўриб турганим очилган раъно гулларга қўл чўзиб бир гул узсаму, дасторим тепасига тақиб қўйсам дейман», — деди.

Мирнинг мусоҳиби ва дўсти мавлоно Соҳибдоро: Менда ҳам шундай орзу бор эди. Аммо мабодо қўл узатсам, дарахтлар тепасидаги бу қушлар учиб кетмасмикин, деган андешадаман!» — деди.

Хуросон аҳлининг пешқадам зарифлари ва пешволаридан бўлган ва доимо Мир билан айтишиб, ҳазил-мутойиба қилиб, кўнгил овлаб юрадиган мавлоно Бурхон: «Мен мулоҳаза қилиб, кўлимни ҳам, оғзимни ҳам тийиб турмоқчиман ва ҳеч нарса демоқчи эмасман. Мабодо, ҳазрати Мирнинг жаҳллари чиқса қошларини чимирмагай!» — деди.

Хуросон зарифлари «Мирнинг латифатароши» деб лақаб берган ва ҳамиша хушомадгўйликни машқ қилиб юрувчи мавлоно Муҳаммад Бадахший эса: «Эй, мавлоно Бурхон! Беадаблик ва густоҳлик саналмаганда мен ҳазрати Мир қўлларидан бу асони олиб, бошингга туширган бўлардим!» — деди.

Ҳазрати Мир Алишер эса шундай дедилар: «Азизлар, марғуб маъно дурларини териб яхши гаплар айтишди. Агар мавлоно Бурхон шундай нохуш ва ножўя қилиқ қилмасалар, хотиримга шу нарса келдики шу сочиш учун қўйилган товоқлардан олтинларни дўсту ёрлар бошидан нисор этсам!».

Шундан кейин у киши устод Беҳзодга эгаржабдуқли от, муносиб сарупо, мажлис аҳлининг ҳар бирига фахрли либослар инъом қилдилар.

Сиз билан биз шу замонда кўриб буюк Алишер сиймосидан баҳраманд бўлаётганимиз ажойиб санъат асари — Беҳзод яратган сурат илк бор мутасвир ва мусаввир иштирокида «биринчи муҳокама»дан ана шундай ўтган эди.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

